

TOSHKENT OQSHOMI



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган



vtto.uz



vtto_uz@mail.ru



@Toshkent_oqshomi



Toshkent oqshomi



Toshkent Oqshomi_24

№ 43 (14,146) 26 ОКТЯБРЬ, ПАЙШАНБА 2023 ЙИЛ



АНОНС



UNWTO БОШ АССАМБЛЕЯСИ
СЕССИЯСИ ИЛК БОР
ЎЗБЕКИСТОНДА ЎТКАЗИЛДИ



ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ,
ЁМОНДАН ДОҒ



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
МАКТАБ ОСТОНАСИДАН
БОШЛАНАДИ

ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ, ЁМОНДАН ДОҒ

Мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган кенг кўламли испоҳотлар олиб борилмоқда. Турмуш даражасини яхшилаш фақатгина иқтисодий ёки ижтимоий муаммоларнинг ечими билангина чекланиб қолмайди.

Аҳоли саломатлиги, умр кўриш давомийлигини оширишга қаратилган ҳаракатларнинг туб замирода экологик муаммоларга ечим топиш ётади. Маълумки, йилдан йилга бутун дунёда глобал исиш муаммоси ошиб бормоқда. Бу эса сув танқислиги, ҳаво ҳароратининг кўтарилиши, зарарли газларнинг атмосферада тўпланиб қолишига олиб келади. Натижада аҳоли саломатлиги, ёш болалар ва катталар соғлиги учун хавфли касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Шу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида бутун дунёда мухим қарорлар қабул қилинмоқда. Юртимизда ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси тақдим этилди. Ушбу лойиҳа доирасида йилига 200 миллион туп дараҳт ва бута кўчатларини экиш орқали шаҳарлардаги яшил майдонларни амалдаги 8 фоиздан 30 фоизга ошириш режа қилинган. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида йилига 200 миллион туп дараҳт ва бута кўчатларини экиш, шу орқали шаҳарлардаги яшил майдонларни ҳозирги 8 фоиздан 30 фоизга ошириш режалаштирилган. Лойиҳа доирасида мамлакатимиз шаҳарларини аҳолига қулай, экологик тоза ва яшаш учун барча имкониятлар мавжуд бўлган ҳудудга айлантириш, уларнинг кўкаламзорлаштириш даражасини 30 фоизга етказиш, шаҳар ва туман марказларида ҳар 50-100 минг аҳоли учун “жамоат парклари”ни ташкил этиш кўзда тутилган. 2021 йилнинг кузидаги 85 млн. дона кўчат ўтқазилди. Кўплаб ташкилотлар, маҳаллалар, умуман, кенг жамоатчилик бу савобли ишда жонбозлик кўрсатди. 2022 йил баҳор мавсумида 125 млн. дона дараҳт кўчатлар экилди.

Куни кеча давлатимиз раҳбари бу йилги кузги дараҳт экиш мавсумини Чилонзор туманига ташрифи чоғида “Оқтепа” МФЙ ҳудудида бошлаб берди. Ушбу ташаббуснинг давоми ўлароқ, пойтахтимизда элимиз ардоғидаги санъаткорлар, спортчилар, Экология бошқармасининг ходимлари ва ҳудудда яшовчи ёшлар ҳам ўз ҳудудларига кўчатлар экишини бошлаб юборишиди.

**Дилшод САЪДИЕВ,
Тошкент шаҳар Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим
ўзгариши бошқармасининг Чилонзор тумани бўлими бошлиғи:**

— “Яшил макон” лойиҳаси доирасида кузги дараҳт экиш жараёнларини маҳалла фаоллари ва ёшлар билан биргалиқда бошлаб юбордик. Чилонзор тумани мисолида айтадиган бўлсан, бу ҳудудда 94 минг туп дараҳтни экиш белгиланди. Бундан 40 мингтаси маҳалла ҳудудларида, 54 мингтаси эса ижтимоий соҳа обьектлари ҳудудида экилиши белгиланди. Ҳар битта дараҳтни униб, ўсиб кетишини бизга тақдим этилган планшетлар орқали назорат қилиб борамиз. Maxsus платформада дараҳтларнинг жойлашган ўрни билан белгилаб борамиз.

Туризм ва маданият масканлари имкониятларини тўлиқ ишга солиш, “Яшил макон” кузги мавсумини самарали ташкил этиш бўйича йўтган видеоселектор йиғилишда устувор вазифалар белгилаб олинди. Унга кўра, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида жорий йил 25 октябрдан 1 декабргача кузги дараҳт экиш мавсуми ўзлон қилинади. Унда жами 85 млн. туп кўчат экилади. Барча туман ва маҳаллалarda кўчат ярмаркалари ташкил этилади. Кўчат тури аҳоли билан бамаслаҳат таъланган ҳолда ярмаркалар орқали аҳолига 30 млн. туп кўчат етказиб берилади. Ўрмон хўжалиги агентлиги томонидан ҳар бир маҳаллага 200 тадан кўчат белгилаб етказиб берилади. Автомобиль, темир йўл, дарё, каналлар ёқалари дараҳт экиш учун аҳоли ва тадбиркорларга шартнома билан ер тоифасини ўзгартирмасдан бўлиб берилади. Ҳар бир вилоят ҳокимлиги томонидан 300 минг дона кўчат маҳаллаларга текин тарқатилади.

Ўрмон хўжаликларида 5 млн. дона дараҳт экилади. Чиқинди полигонлари атрофида ва йирик саноат корхоналари ҳудудида яшил белбог яратилади. Боғча, мактаб, олийгоҳ ва шифохоналар ҳудудида 3,5 млн. дона кўчат экилади. Ороплинг қуриган тубида 100 минг гектарда “яшил қоплама”лар барпо этилади. Дала четларида 20 млн. туп терак, тут ва узум кўчатлари экилади.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси — бу бир йиллик тадбир эмас”. Дарҳақиқат, доно ҳалқимиз бежизга: “Яхшидан боғ қолади, ёмондан дод” деб айтмаган. Биздан кейинги авлодга гуллаб-яшнаган хур Ватанини қолдириш барчамизнинг бурчимиздир. Соғ табиатдан баҳра олишга келажак авлоднинг ҳам ҳаққи борлигини унутмайлик!

Умида ҲАҚБЕРДИЕВА



ННТларнинг Миллий форуми ўтказилди



Жорий йилнинг 25 октябрь куни “Ренессанс” кино уйининг анжуманлар залида Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллый ассоциацияси (ЎзННТМА) ва Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-куватлаш Жамоат фонди томонидан Инсон ҳукуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллый маркази, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, “Юксалиш” УМХ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳукуклари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва бошқа манбаатдор давлат органлари ва ННТлар ҳамкорлигига “Инсон ҳукуклари ва манбаатларини таъминлашда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва давлат органларининг ҳамкорлиги” мавзуида нодавлат нотижорат ташкилотларининг Миллий форуми ташкил этилди.

Форумда миллый ва хорижий эксперталар, соҳага алоқадор вазирлик ва идоралар ҳамда ҳудудлардаги ЎзННТМА бўлинмалари ходимлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Форум доирасида яратилган давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўтасидаги умумий мулокот платформасида Инсон ҳукуклари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллый стратегияси ҳамда 2021 — 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси ижросини таъминлаш ҳамда ННТларнинг инсон ҳукукларини ҳимоя қилиш бўйича фаолиятини қўллаб-куватлаш механизmlарини янада тақомиллаштириш масалаларини муҳокама қилиш, улар бўйича мамлакатимиз фуқароларига хизмат қиласиган таклиф ва қарорлар қабул қилиш учун соҳа вакиллари яна жам бўлди.

Маълумки, инсон ҳукуклари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллый стратегияси қабул қилинди. Уни амалга ошириш бўйича “Йўл ҳаритаси”нинг жами 78 бандидан 62 банд бўйича ишлар бажарилган, 16 бандни амалга ошириш бўйича ишлар давом этмоқда.

Шунингдек, 2022 — 2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабхаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастур тасдиқланди.

Яна имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигига кўмаклашиш Миллый дастури тасдиқланди. Унга кўра, 2022 йилда 12146 нафар имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар бандлигига кўмаклашиш белгиланиб, ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қиласиган иш берувчиларга ҳар бир ходим учун 6 ой давомида ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 баравари миқдорида субсидия берилиши мустаҳкамланди.

Яна бугун мамлакатда болалар меҳнатига батамом барҳам берилди. Мажбурий меҳнатга жалб қилиш ҳолатлари кескин қисқарди, одам савдоси курбонлари учун бошпана ташкил қилишга маблағ ажратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Қолаверса, 2021 йил 7 июнда Ўзбекистонда қонун ижодкорлигига илк бор ноёб тажриба қўлланилди. Яъни “Ногиронлар ҳукуклари тўғрисида”ги конвенция дастлаб миллый қонунчиликка имплементация қилиниб, шундан кейин ратификация қилинди.

Амалга оширилган ишлар сарҳисоби сифатида жорий йилнинг 28 июль куни БМТнинг Ногиронлар ҳукуклари тўғрисидаги конвенцияси бажарилиши бўйича Ўзбекистон Республикасининг биринчи миллый маъруzasи тақдим этилди.

Мазкур испоҳотлар давомийлигини таъминлаш мақсадида форум ялпи мажлисида сўз олганлар инсон ҳукуклари ва эркинликларини таъминлашда давлат органлари ҳамда ННТларнинг ўзаро ҳамкорлигига эришилган натижалар ва ривожланишистиқ болларни ҳамда ННТларнинг соҳага оид ташаббуслари ва уларни молиявий қўллаб-куватлаш масалаларida маърузалар қилиб, фикр-мулоҳаза алмашдилар.

Шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистоннинг Барқарор ривожланиш мақсадларида эришишида парламент ва фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва ролини ошириш, болалар ҳукуқ ва манбаатларини таъминлашда инсон ҳукуклари бўйича Миллый институтлар ва ННТларнинг аҳамияти, ногиронлиги бўлган шахсларга қулай муҳит яратиш ва ижтимоий интеграцияни амалга оширишда ННТларнинг ролини кучайтириш, ОАВнинг ҳукуқ ва эркинлигини таъминлаш, инсон ҳукуклари соҳасидаги ҳалқаро мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилишида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш масалалари эътибор марказида бўлди.

“СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН” –



“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди Үзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 23 апрелдаги 596-сонли Фармони билан ташкил этилган бўлиб, келажак авлод саломатлигини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёш авлодни жисмоний, интеллектуал ва ахлоқий ривожланиши учун кулай шарт-шароитлар яратишга қаратилгандир.

Маълумки, давлатимиз раҳбари жорий 2023 йилни “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб эълон қилган эди. “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди ҳам давлат ижтимоий сиёсатининг долзарб муаммоларини ҳал этишда фаол иштирок этмоқда. Шу мақсадда фонд томонидан биринчи навбатда болалар, ёшлар ва туғиши ёшидаги аёллар иштироқида бир қатор тиббий, мурувват ва маърифий лойӣҳалар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 1998 йилда Ҳукумат номидан “Соғлом авлод учун” фонди “Она ва бола скрининг” миллат генофондини саклаш бўйича Давлат дастури ташабуси билан чиқди, унинг асосий мақсади ҳомила ва янги туғилган чақалоқларда ирсий ва туғма касалликларни аниқлаш, уларни даволаш ва болаликдан ногиронлар туғилишини олдини олишдир.

2023 йил 8 сентябрда Үзбекистон Республикаси Президентининг “Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тӯғрисида”ги ПК-296 сонли қарори қабул қилинди. Унда 2023-2028 йилларда болаларда туғма ва ирсий касалликларни эрта аниқлаш чора-тадбирлари кўзда тутилган, шунингдек, тиббий генетика соҳасида замонавий технологияларни жорий этиш режалаштирилган, бу республикамиз генофондини саклаш ва яхшилаш имконини беради.

Ҳукуматнинг ушбу қарорларига мувофиқ “Соғлом авлод учун” фондига скрининг марказларини юқори технологияли ускуналар, диагностика тўпламлари, дори-дармонлар, тиббий овқатланиш ва малакали кадрлар тайёрлаш бўйича “Она ва бола” скрининг дастурларини амалга ошириш топширилди. Бугунги кунда ишонч билан айтиш мумкинки, ушбу Давлат дастурлари доирасида Үзбекистонда Германия, Буюк Британия, Дания, Финляндия, Хитой, Туркия, Россия каби ривожланган давлатлар билан бир қаторда, ирсий касалликларни аниқлаш ва даволаш ҳамда туғма нуқсонли болалар туғилишининг олдини олишга имкон берадиган барқарор тизим яратилди. Бу ҳақиқатдан Республикада 2000 йилга нисбатан генетик касалликлар частотаси ва туғма нуқсонли болалар сони 2,5 баробар камайгани ва умуман, мамлакат генофондида яхшиланиш кузатилаётганини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1996 йил 22 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида тиббий-ижтимоий ёрдам бригадаси тизимини ташкил этиш тӯғрисида”ги 71-сонли қарори асосида тиббий ижтимоий ёрдам бригадаси фаолияти ўйлга қўйилди. 1996 йилдан 2023 йилнинг ўтган 9

ойи мобайнида Фонднинг кўчма тиббий-ижтимоий ёрдам гуруҳлари ҳудудий ҳокимликлар, хотин-қизлар кўмитаси, маҳалла кенгашлари ва соглиқни сақлаш муассасалари кўмагида 1500 та республиканинг энг чекка қишлоқлари ва 4000 дан ортиқ маҳаллаларидағи 808115 оила аъзоларини психологик ва саломатлик ҳолатини тизимли ўрганиб чиқди. Тиббий кўриқда 5 миллион 807 мингдан ортиқ кишини, шу жумладан 1 миллион 686,6 минг болаларни, 778,9 минг ўсмирини ва 3 миллион 11,3 минг аёлларни қамраб олди.

1997-2023 йиллар мобайнида “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди жами 582 та инсонпарварлик юкларини (халқаро инвестициялар) қабул қилиб олган бўлиб, ҳар йили республика бўйлаб 400 та тиббий-профилактика муассасалари, “Мехрибонлик”, “Мурувват” уллари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларга етказиб бериладиган инсонпарварлик юклари тарқатилмоқда.

“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди томонидан 1997-2023 йиллар мобайнида халқаро ҳамкорлардан дори-дармон, тиббий буюмлар, озиқовқат, тиббий асбоб-ускуналар (инвестициялар) шаклида жалб қилинган инсонпарварлик юкларининг ҳажми 615,9 миллион АҚШ долларни ташкил этди.

“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди Республикаси, Америка Кўшма Штатлари, Германия Федератив Республикаси, Туркия Республикаси, Россия Федерацияси, Хитой Ҳалқ Республикаси, Сингапур, Швейцария, Финляндия Республикаси каби давлатлар билан халқаро ҳамкорлик алоқаларини ўйла қўйган.

2009-2023 йиллар давомида Германия ва Швейцариядан жалб қилинган грант маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси ва чет элларда туғма юрак нуқсонларини бартараф этиш бўйича жарроҳлик амалиёти ўтказилган беморлар жами 1359 нафарни ташкил этади.

2010 йилдан бошлаб Фонд Ўзбекистонга озиқовқат ёрдами бўйича халқаро ҳамкорлиги доирасида USAID (АҚШ)нинг Resource & Policy Exchange НТ билан ҳамкорликда “Тинчлик учун озиқ-овқат дастури” доирасида қўритилган сабзавотли шўрвалар кўринишидаги мурувват юклар билан таъминлаш бўйича амалга ошириб келмоқда, 2010-2023 йиллар давомида Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида жойлашган ихтисослаштирилган тиббиёт ва ижтимоий муассасалари ва “Мурувват” ва “Саховат” уллари жами миқдорда 1 минг 557,96 тонна сабзавотли шўрвалар 4 миллион 423,5 сўмлик инсонпарварлик юклар тарикасида тарқатилди.

АҚШ ҳукуматининг USAID табиий оғатларга ёрдам бериш бошқармаси (USAID/OFDA) орқали 100 минг АҚШ доллари миқдоридаги молиявий ёрдами ва “Resource & Policy Exchange” (АҚШ) НТ ёрдами билан Фонд пандемия даврида (2020 йил май-июн ойлари) Сирдарё вилоятидаги Сардоба сув омбори фожиасидан жабрланган оиласаларга ёрдам беришга қаратилган лойӣҳани амалга ошириди. Лойиха давомида тўғондан эвакуация қилинган 2000 дан

ортиқ оиласаларни асосий эҳтиёжлар, жумладан, озиқовқат, кўрпа, гигиена воситалари билан таъминланди.

USAIDнинг “Марказий Осиёда сил касаллигини йўқ қилиш” этикаси лойиҳаси доирасида “Соғлом авлод учун” фонди 2021 йил мартаидан 2023 йил сентябригача бўлган даврда “Resource & Policy Exchange” (АҚШ) НТ билан ҳамкорликда заиф одамлардаги сил касаллигини даволашнинг олдини олиш, аниқлаш ва профилактика бўйича аҳолининг сегментлари доирасида кўп тармоқли жамоалар фаолияти лойиҳанинг таркибий қисми амалга оширилди. Жиззах, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида кўп тармоқли жамоалар ташкил этилди. Сил касаллигининг олдини олиш чоралари ОИВ инфекцияси билан яшайдиган одамлар, алоқалар ва муҳожирлар заиф гурухларни қамраб олди. Лойиҳа даврида аҳолининг заиф қатламлари вакиллари (44853 эркак, 21601 аёл) ўртасида жами 23252 скрининг текширувпари ўтказилди. Улардан 16215 (7552 эркак, 8663 аёл) сил касаллиги бўйича текширилди, улар орасида 554 янги сезигр ва чидамли сил касаллиги, шунингдек, 94 яширин сил касаллиги аниқланди. Сил касаллиги масалалари бўйича 43542 та индивидуал ва гурухли мини-сессиялар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “JCI Korea” халқаро ёшлар ташкилоти, “Ча” тиббиёт университети қошидаги “Пундан Чা” шифохонаси ҳамда “Соғлом авлод учун” фонди ўртасида тузилган уч томонлама битим доирасида 2009-2019 йиллар давомида Тошкент Педиатрия тиббиёт институти клиникасида туғма юрак хасталиги билан оғриган беморларнинг 275 нафари тиббий кўриқдан ўтказилди, улардан 87 нафар бола хайрия асосида Корея Республикаси клиникаларида муваффақиятли операция қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ИнҲа университети касалхонаси ва “Соғлом авлод учун” фонди ўртасида 2010 йил сентябрь ойида имзоланган соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик тӯғрисидаги уч томонлама битим доирасида 2010-2018 йиллар давомида ИнҲа университети шифохонаси мутахассислари томонидан жами 8430 нафар аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилган, шундан 10 нафари Корея Республикаси клиникаларида операция қилинган. Бундан ташқари, ушбу шифохонадан умумий қиймати 224,0 минг АҚШ доллар бўлган дори-дармон ва тиббий буюмлар кўринишидаги инсонпарварлик ёрдами юклари олинди.

Бир сўз билан айтганда “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди мамлакатимизда амалга оширилаётган, асл моҳияти фарзандларимизга баҳтли ҳаёт, чексиз меҳр-муҳаббат ва қувонч баҳш этиш учун энг кулай шароит ҳамда хориждаги кўплаб имконият яратишдан иборат бўлган улуғ ишларнинг бевосита иштирокчиси саналади. Фурсатдан фойдаланиб, Фондни 30 йиллиги билан муборакбод этамиз ва келажак авлод саломатлигини таъминлаш ўйлидаги шарафли фаолиятида омад тилаймиз!

Шоҳида ЗУФАРОВА тайёрлари



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАКТАБ ОСТОНАСИДАН БОШЛАНАДИ

Ozbequistons Respublikasi Prezidentining

Ўсиб келаётган ҳар бир бола ҳаётда ўз ўрнини топиши учун албатта илм олмоғи шарт ва зарур. Шиддат билан ривожланаётган айни асрда интеллектуал билим ва салоҳиятга эга, чет тилларини яхши ўзлаштирган кадрларга бўлган талаб жуда юқори.

Негадир сўнгги йилларда айрим ёшлар тезроқ даромад топиш мақсадидами таълим олишга унчалик ҳам интилмай қўйиши. Бу эса олийгоҳларга кириш имтиҳон балларида яққол намоён бўлмоқда. Давлатимиз раҳбари буни дарҳол пайқади ва ўз назоратига олди. Президент энг аввало таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган чоратадибайларни ишлаб чиқиша кириши. 2023 йилни "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" деб номлангани ҳам бунинг яққол ифодасидир. Шавкат Мирзиёев таълим тизимини ислоҳ қилишни ўрта мактаблардан бошлади.

Энг аввало, мактаблар учун янги дарслеклар тайёрланди ва макtab ўқувчилари учун бепул тақдим этилди. Синф хоналари замонавий электрон доскалар компютерлар билан жиҳозланди. Педагог ходимларнинг ўкув малакаларини ошириш ва сифатли таълим беришни таъминлаш мақсадида турли ўкув курслари жорий этилди. Зоро, "Янги Ўзбекистон макtab остонасидан бошланади", деган шиор бежиз эмас. Бу мамлакатимизда таълимга қаратилаётган эътиборнинг, соҳани халқаро мезон ва талаблар асосида такомиллаштириш мақсадида бошланган ишларнинг асосини ташкил этувчи катта мақсаддир. 2023 ўкув йилидан бошлаб хорижий тилларни ўрта мактабларда чукур ўргатиш мақсадида яна бир янги тажриба жорий этилмоқда. Айни вақтда Президентимиз ташабbusлари билан юртимизга 500 нафар малакали ва тажрибали хорижий ўқитувчи жалб қилинди ва улар ҳозирда республикамиздаги мактабларда ўқувчиларга таълим бермоқдалар. Жумладан, Олмазор туманинаги 16-умумтаълим мактабига ҳам Ҳиндистондан ташриф буюрган Даня Сандатил Вижаян сентябрь ойидан бўён макtab ўқувчиларига инглиз тилидан сабоқ бермоқда. Даня Сандатил инглиз тили ва адабиёти бўйича етук мутахассис бўлиб, халқаро тоифадаги TESOL, TEFL, BETT ва IELTS сертификатларига эга. Биз унинг мамлакатимиз, мактабларимиздаги шарт-шароитлар, ўкув жараёнлари ва ўқувчилар ҳақидаги фикрларини билиш мақсадида сухбатга чорладик.

- Ассалому алайкум. Ўзбекистонга хуш келибсиз! Даня билишимча, бу юртимизга биринчи ташрифининг экан. Суҳбатимиз бошида Ўзбекистон ҳақидаги илк таассуротларингиз билан бўлишсангиз.

- Баалайкум ассалом. Раҳмат. Ҳа, бу юртингизга биринчи ташрифим. Биласизми, келмасимдан аввал Ўзбекистон ҳақидаги фикрларим ўзгача эди. Аммо, бу ерга келгач, фикрларимнинг мутлақо аксини кўрдим. Юртингиз жуда чиройли экан. Кенг кўчалар, замонавий иншоотлар осмонўпар бинолар, худди ривожланган давлатларнидай жамоат транспортлари, гигант супермаркетлар ва энг асосийи самимий ва меҳмондуст одамларингиз

менда жуда яхши таассуротлар ўйғотиши. Ватанимдан, оиламдан олисда бўлсан ҳам бир кун ҳам ўзимни ёлғиз сезмадим. Мактабдаги жамоа у ердаги меҳрибон инсонлар менга керакли барча шароитни ортиғи билан таъминлаб бериши. Худди уларни аввалдан танийдигандайман. Бунинг учун уларга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

- Ўзбекистон ҳақидаги илик фикрларингиз учун раҳмат. Айни пайтда юртимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар, таълим тизимидағи ўзгаришлар, мактаблардаги шарт-шароитлар ҳақида нима дея оласиз?

- Президентингиз ўз халқининг келажаги учун астойдил курашмоқда. Бу йўлдаги ислоҳотларни айни таълимдан бошлагани ажойиб ечим бўлди. Мен Ҳиндистондалигимда Президентингизнинг хорижий ўқитувчилар билан Zoom орқали ўтказган учрашуvida иштирок этдим. Ўшанда жаноб Президент 2023 йилни сифатли таълим йили бўлишини, бунинг учун эса барча шароитларни яратишини айтган эди. Келиб кўрдим-ки, ҳақиқатдан ҳам шундай. Мен жаноб Мирзиёевнинг бу ҳаракатларини қадрлайман ва астойдил мөҳнат қиласман ва билдирган ишончларини оқлашга ҳаракат қиласман.

- Даня айтингчи, ҳинд ўқувчилари ва ўзбек ўқувчилари ўртасида қандай ўхшашликлар ва тафовутлар бор? Умуман, сизлардаги таълим тизими ва биздагиси ўртасида қандай фарқлар бор? Шулар ҳақида гапириб берсангиз.

- Ҳинд ва ўзбек ўқувчилари ўртасида унчалик катта фарқи сезмадим. Уларнинг ҳаммасининг ўз орзулари ва мақсадлари бор. Кимdir шифокор бўлмоқчи, кимdir таржимон яна кимdir эса архитектор. Ўзбек болаларини худди ўз боламдай қабул қилдим. Улар ҳам менга худди ўз яқин кишисидай муомала қилишашити. Улар билан жуда тез тил топишиб кетдим. Ўқувчиларнинг кўпчилиги инглиз тилини ўрганишга қизиқар экан. Шу сабабданми, дарсларимни дикқат билан кузатишпти ва ўзлаштиришга астойдил ҳаракат қилишпти. Бу эса ўз навбатида яхши натижаларга олиб келишига ишонаман.

Таълим тизимларимиздаги тафовутга келадиган бўлсан. Ҳиндистон мактабларида асосий тил бу – инглиз тили. Дарсларнинг асосий қисми инглиз тилида ўтилади. Бизда болалар инглиз тилини боғчадаёк ўрганишиди. Биринчи синфа келганларида инглиз тилини билган бўлишлари шарт. Шу сабабдан бўлса керак мактабни тугаллаган ҳар бир ўқувчи инглиз тилида бемалол гаплаша олади. Ўйлайманки, тез орада сизнинг юртингиз ўқувчилари ҳам шундай натижаларга эришишиди.

- Юқорида мактаблардаги шарт-шароитлар ҳақида гапириб ўтдингиз. Айтингчи, сизга ўқувчиларни инглиз тилида сўзлашишга ўргатишда булардан ташқари яна нималар етишмаяпти? Агарда бу борада таклифларингиз бўлса айтиб ўтсангиз.

- Юқорида таъкидлаганимдек, давлатингиз раҳбари мактабларда етарлича шарт-шароитлар яратгани таҳсинга лойиқ. Инглиз тили хоналари барча керакли жиҳозлар ва ўқувчилар бепул дарслеклар

билан таъминланган. Мен дарсдан ташқари гурухлар билан ишлаганимда уларга инглиз тилидаги бадий адабиётларни ўқиш учун тавсия қилганимда, улар бундай китоблар кутубхонада йўклигини айтишиди. Кейин ўзим кутубхонага бордим. У ерда ўзбек ва рус тилларида ёзилган бадий адабиётлар борлигини кўриб севиндим. Аммо инглиз тилида ёзилган адабиётларни учратмадим. Агар имкони бўлса, кутубхоналар инглиз тилидаги бадий адабиётлар билан бойитилса, ишимиш анча илгари одимларди. Болалар бундай китобларни ўқиш жараёнида инглиз тилини тезроқ ва самаралиро ўрганишарди.

- Ўзбекистон ўқувчиларининг келажаги ҳақида астойдил қайғураётганингиздан ва уларга юксак даражада таълим берәётганингиздан жуда хурсандмиз. Сизга бу ишларингизда омад тилаймиз ва яхши натижалар кутиб қоламиз. Ишонамизки, сиз билан бирга юртимизга ташриф буюрган мутахассислар фарзандларимизга инглиз тилини чукур ўргатишда катта натижалар кўрсатадилар.

- Раҳмат. Албатта, бунинг учун астойдил ҳаракат қиласман. Юртингизда устоз ва мураббийларга берилаётган эътиборни кўриб жуда севиндим. 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунида давлат томонидан ўюширилган байрам тадбирларига тақлиф қилиндим ва жуда мамнун бўлдим. Бунинг учун давлатингиз раҳбарига ўз миннатдорчилигимни билдиримочиман. Устозга шунчалик эътибор берилаётган юртнинг фарзандлари албатта билимли ва етук мутахассис бўлиб етишишига ишонаман.

- Қимматли вактингизни биздан аямаганингиз ва самимий фикрларингиз учун ташаккур. Ўзбекистонга хуш келибсиз!

Бу йили юртимизга хорижий тилларни ўргатиш учун 500 нафар ўқитувчи жалб қилинган бўлса, келгуси йилда яна 1500 нафари олиб келиниши кўзда тутилган. Мен ҳозирги замон ёшлари учун яратилаётган шароитларни кўриб тўғриси жуда ҳавас қиласман. Давлатимиз раҳбари шунча маблағ эвазига мактабларга чет элдан устозларни олиб келса-ю, бундан унумли фойдаланимасак албатта, катта хатога йўл қўйган бўламиз. Унумли фойдаланиш деганда мактабда таълим олаётган ҳар бир ўқувчиларни отонаси, синф раҳбари ва инглиз тили ўқитувчилари назарда тутилмоқда. Яъниким ҳар бир ота-она макtab билан узвий боғлиқ бўлса, фарзандининг дарсларда қатнашишидан, ўзлаштиришидан берилаётган имкониятлардан фойдаланаётганидан боҳабар бўлса ва бу жараёнларда бевосита иштирок этса, албатта кўзланган натижаларга эришилади. Акс ҳолда, ҳаммаси бефойда кетади. Ота-оналар астойдил фарзандининг мактабда кераклича билим олиши ҳақида қайғурса ва назорат қилса, ўқитувчилар етарлича билим берса, албатта бизнинг юрт фарзандлари ҳам ривожланган давлатлардаги каби етук мутахассислар бўлиб етишишиди. Бунинг учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Ўқувчидан фақат бир нарса талаб қилинмоқда, у ҳам бўлса фақат ўқиш ва изланишдир.

Нафиса



БОШ АССАМБЛЕЯСИ СЕССИЯСИ ИЛК БОР ЎЗБЕКИСТОНДА ЎТКАЗИЛДИ

Жорий йил Самарқандда Туризм ташкилоти Бош Ассамблеясининг (UNWTO) 25-юбилей сессияси бўлип ўтди. 5 кун давом этган ушбу сессия доирасида "Халқаро инвестиция" ва "Халқаро таълим" форуми ва "Энг яхши туризм қишлоғи" танлови тантанали ўтказилди. Унда 140 нафар хорижий, 120 нафар маҳаллий журналистлар иштирок этиб, семинар ва тадбирларни кенг миқёсда ёритишида ўз ҳиссаларини қўшишди. Бундан ташқари, сессияда 80 га яқин туризм вазирлари ва 24 нафар вазир ўринбосарлари бевосита иштирок этишиди.

Мазкур сессияни давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев очиб берди ҳамда бир қанча туризм ва уни ривожлантиришга қаратилган таклифлари билан чиқиш қилди. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида халқаро миқёсдаги тадбирнинг юбилей йигилиши Буюк ишқойлини дурдонаси, Янги Ўзбекистоннинг йирик сайёхлик масакни бўлган ушбу қадимиш шаҳарда ўтказилаётгани чуқур рамзий маънога эга эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.



**Азиз АБДУҲАҚИМОВ,
Ўзбекистон
экология, атроф-
муҳитни муҳофаза
қилиш ва иқлим
ўзгариши вазири:**

– Президент Шавкат Мирзиёев туризмни ҳукумат кун тартибида биринчи ўринга қўйиб, уни Ўзбекистонда иқтисодий ўсишининг ҳарқатлантирувчи кучларидан бирига айлантириди. Кейинги йилларда тизимили исплоҳотларнинг амалга оширилиши иқтисодиётни либералластириш, тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароит яратиш, ҳуқуқий кафолатларни мустаҳкамлаш имконини берди, деб ўйлайман. Дунёнинг 100 га яқин давлати учун виза расмийлаштируви соддалаштирилгани туфайли Ўзбекистонга келаётган хорижий сайёхлар сони ҳар йили 30-40 фойзга ошиб бормоқда. 2022 йилда бизга 5,2 миллион сайёх ташриф буюрган бўлса, 2023 йилнинг дастлабки уч чорагида биз 7 миллион меҳмоннинг қабул қилдик, 2024 йилда эса 10 миллион халқаро сайёх келишини кутмокдамиз.

**Мария ФРАНС,
Конго Маданият,
санъат ва туризм
вазири:**

– Африка билан туризмни борди-келдидан бошқа бирор йўл билан ривожлантира олмайсиз. Африка давлатлари ва Марказий Осиё ўртасидаги туризм алоқалари – ўзик ҳолатда. Масалан, Конгода атроф-муҳит, флора ва фауна жуда экзотик. Бизда туризмнинг асосий ўйналиши шу. Биз иккى ўртада сайёхликни факат борди-келди билангина ривожлантира оламиз. Мана мен келдим, эндилиқда сиз ҳам Конгога боришиниз керак.



**Сара НОШАДИ,
БМТнинг Таълим,
фан ва маданият
масалалари бўйича
ташкилоти (ЮНЕСКО)
нинг Ўзбекистондаги
ваколатхонаси
раҳбари:**

– Мамлакатингизда тарихий мерос ва обидаларни асрлаб-вайлаш, тарғиб қилиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар туризмни ривожлантиришга, бунинг натижасида мамлакат иқтисодий тараққиётига улкан ҳисса кўшаётгани қувонарли ҳол. Маданий ва тарихий меросни муҳофаза қилиш ЮНЕСКО фаоли-



**Хамат Нгаи Кумба БАХ,
Гамбия туризм ва маданият вазири:**

– Марокаш ва Туркия орқали Гамбиядан Ўзбекистонга етиб келишимиз учун 24 соат вақт кетди. Шаҳар аэропортига биринчи кўнганимизданоқ Самарқанднинг гўзаллиги мени ҳайратда қолдири.

UNWTO Бош ассамблеяси доирасидаги режалаштирилган учрашув ва музокаралар чоғида туризм, сармоя ва таълим соҳаларида аник шартномалар тузиш ниятидамиз. Гамбия фуқаролари Ўзбекистонда ўқиб, тажриба ортиришини истайди. Умид қиласманки, келгусида ҳамкорлигимиз янада юқори босқичга чиқади.

**Софи ИББОТСОН,
Ўзбекистон сайёхлик бренднинг Буюк
Британиядаги элчisi:**

– UNWTO Бош Ассамблеясининг юбилей сессияси Ўзбекистон учун муҳим бўлишининг иккى сабаби бор. Бу ерда биринчи навбатда бутун дунёдан сайёхлик маъмуриятлари вакиллари йиғилган. Бу Ўзбекистонга нафақат халқаро туризм сиёсатига ҳисса қўшиш, балки келгуси иккى йил давомида уни шакллантириш имкониятини ҳам беради. Иккинчидан, Ўзбекистон ўзининг меҳмондўстлиги ва MICE туризми ўйналишини намойиш этиши имкониятига эга бўлмоқда. MICE – бу бизнес учрашувлари доирасидаги конференциялар ва тадбирлардир. Бу Ўзбекистонда ривожланган туризм тури эмас лекин келажақда ривожланишига умид бор.



**Роса Ана Морилло
РОДРИГУЕЗ,
Испания туризм
давлат котиби:**

– Бугун биз Бутунжоҳон туризм ташкилоти ассамблеясини Испаниядан кейин юртингизда ўтказмоқдамиз. Менимча, бу йиғилиш жуда муҳим! Биз барча инвесторлар ва тадбир раисининг фикрларини ёшитдик ва таклифларни қабул қилмоқдамиз.

Ўзбекистон бугун туризм соҳасида дунёга ўз эшиклигини очмоқда. Буни ҳам инобатга олган ҳолда, келажақда кўплаб режаларимиз бор.



**Мурод МИРЗАЕВ,
Нурота тумани,
Сентоб қишлоғи МФИ
раиси:**

– "Энг яхши туризм қишлоғи" номинацияси бўйича Навоий вилояти, Нурота тумани, Сентоб қишлоғи ғолибликни кўлга киритди. Қарийб 3 минг аҳоли истиқомат қиладиган бу қишлоқ сўлим табииати билан қадимий цивилизация масканларидан бирни ҳисобланади. Қишлоқ бўйлаб сайр қилар экансиз,

ноёб ва пухта ўйлаб қурилган қадимий шаҳарга тушуб қолгандай бўласиз. Қоя тошларга ишланган V-VI асрларга оид петроглифлар, тоб тепасидаги кўхна кўрғон қолдиқлари, XI-XVIII асрларга оид тошга ўйилган ёзувлар ҳамда қишлоқнинг энг юқори нуқтасидаги Фозилмон кўли меҳмонларни ҳамиша қизиқтириб келади. Сентоб қишлоғидан 12 км. узоқлиқдаги "Қора тоб" қоятошларида кўплаб кўхи услубдаги араб графикасидаги ёзувлар, Қуръон оятлардан фрагментлар ҳамда қадимий кўрғонларни учратиш мумкин.

Амалга оширилган иш ва лойиҳалар ҳақида

Салқам 100 та мамлакат фуқаролари учун Ўзбекистонга визасиз кириш тизими кўлланимодда. Яна 55 та давлат фуқаролари учун соддалаштирилган электрон виза тартиби жорий этилди.

Сайёхлик бизнесининг барча турларини юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Солиқ ва



божхона имтиёзлари тақдим этилди, кредит ва молиявий ёрдам кучайтирилди.

Янги меҳмонхоналар қуриш ва халқаро брендларни жалб этиш, сайёхлар оқимини кўпайтириш учун субсидиялар ажратилмоқда. Шу туфайли пандемия чекловларига қарамасдан, иккى йил давомида 800 та инфратузилма лойиҳаси амалга оширилди. Биргина Самарқанд шаҳрининг ўзида туристик инфратузилмани яхшилаш учун 1 миллиард доллардан ортиқ маблаг инвестиция сифатида киритилди.

Сайёхлар учун қулай шароит яратиш мақсадида меҳмонхона ўринлари сони 140 мингтага етказилди, 70 та янги сайёхлик маршрути очилди, 6 та хусусий авиакомпания иш бошлади.


Сайёхлик соҳасида профессионал кадрларни тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистондаги 35 та олий таълим муассасасида халқаро стандартлар асосида малакали мутахassislar тайёрланмоқда.

Юртимизга келаётган хорижлик сайёхлар сони иккى баробар кўпайди. Туризм экспортидан тушаётган даромад 4 баробар ўси. Мисол учун, сайёхлар сони бу йил Япониядан – 5 баробар, Ҳиндистон ва Италиядан – 3,5 баробар, АҚШдан – 2 баробарга орти. Шу билан бирга, мамлакатимиз АҚШнинг "National geographic traveler awards" рўйхатида "Йил янгилиги" ҳамда "Гастрономик туризм" номинациялари ғолиби бўлди. Ўзбекистон ўтган йили "Жаҳон мусулмон сайёхлари индекси"да "энг кучли саёҳат ўйналиши" сифатида тан олинди.

Маълумот ўринида шуни айтиш жоизки, Шавкат Мирзиёев 2025 йилни UNWTO доирасида "Бутунжоҳон инклузив туризм йили" деб эълон қилишина таклиф эти. Шу билан бирга Самарқандга "Маданий туризмнинг халқаро пойтахти" мақомини бериш тўғрисида декларация ҳамда Халқаро туризм академиясини ташкил этиш тўғрисида битим қабул қилинди. Ҳужжатлар Республикаси экология, атроф-муҳитни муҳофаза ва иқлим ўзгариши вазири А.Абдуҳакимов ва UNWTO бош котиби З.Пололикашвили томонидан имзоланди.

Дилнуре МАМАСАФОЕВА тайёрлади

Қайнона



Умр йўлдошим билан бир мактабда ўқиганмиз. Ота-онасидан эрта етим қолиб, бувининг қўлида тарбия топган қизни Собир акамнинг онаси келин қилишни истамади. Ўғли “Шундан бошқасига уйланмайман!” деб оёқ тираб олгандан сўнг чорасиз рози бўлди.

Собир акамнинг совчиларига розилик берилган куни бувим раҳматли “Қизим, бу йигитнинг онаси билан яшашин учун бошингни тошдан, тишинги темирдан қиласан”, деганди. Мен эса онасиликдан бўшаб қолган кўнглимни қайнонамнинг меҳри тўлдиради, деб ният қилгандим. Бироқ... Тўй куни кечаси эрим:

— Шоҳсанам, бизга қийин бўлади. Иложи борича онамга ёқишига ҳаракат қил, — деди. Бу гапнинг маъносини тушунганим боис бош эгиг, секингина “Хўп” ишорасини қилдим.

Ўзимнинг ҳам ягона орзуим ва тилагим қайнонамга ёқиш эди. Күёш чиқмасданоқ уйкудан уйгониб, кўча ховлини супурардим. Сигирларни соғиб, қайнонам уйғонгунча ширчой тайёрлардим. “Ишқилиб, қайнонамга ёқинда”, деб ўйлардим ичимда. Мени келин қилганидан пушаймон бўлмасин, деб астайдил хизмат қилардим. Лекин ҳеч бир ишим ёримнинг волидасига манзур бўлмас, албатта бирор камчилик топиб, гап билан “чақиб” оларди: “Барibir отана тарбиясини кўрмагандан”... унинг найза янглиғ айтилган бу сўзлари юрагимнинг қоқ марказига санчиларди. Кўнглим оғриди. Билдирамсдан пана-панада ўйғиб ҳам олардим. Аммо ҳеч кимга сездирмасдим. “Майли мен чекинмайман. Албатта, қайнонамнинг меҳрини қозонаман”, деб ўзимни овутардим. Қолаверса, умр йўлдошим ҳам мени қўллаб-куватларди. Ўглининг мен томонлиги қайнонамга акс таъсир қиласди. Уйга кирган-чиқсан қўни-қўшнига “Бу келин ўғлимни ўзига иситиб олган. Болам бу андини нимасини ёқтирган экан? Сехру жудо қилмаса шунчалик ёпишиб олармиди?”, деб мени ёмонларди.

Орадан уч ой ўтиб, ҳомиладор эканлигимни билдим. Бироқ қилаётган юмушларимни канда қилмасдим. Ҳамон тонгда туриб супур-сидир, сигир соғиш ва бошқа юмушларни бажаардим. Қайнонам менинг оғироёғлигимни билсада, “бирпас дам олинг”, демасди. Аксинча атайн оғир юмушларни буюарди. Қўлимга сут солинган оғир битонларни тутқазганча икки маҳалла наридаги қаймоқчининг ховлисига жўнатарди. “Тезроқ боринг, сут айниб қолмасин”. Ҳали бир пиёла чой ичишига улгурмай, оғир идишларни кўтариб, йиглаганча кетиб бораардим. Қор-ёмғир ёғса ҳам шу ишни мен бажаришим керак эди. Кўча-кўйда кўрганларнинг раҳми келарди, бироқ қайнонамнинг кўнглида раҳм аталмиш сувнинг бир томчиси ҳам йўқ эди. Бир куни эрим менинг кўлимдан идишларни олиб, “Бор ичкарига кир”, деди. Буни қўрган онаси чунонам жанжал қилди.

— Бер ўзига. Сени кўрганлар хотинининг сояси дейишиади... – деб ўдағайлари ўғлига қараб.

— Ойи, Шоҳсанам ахир оғироёқку... – ёримнинг гапи оғзида қолди.

— Нима бўпти? Мана мен олти бола тукканман. Бир эмас опти болани тугиб, ҳам далада меҳнат қилиб, ҳам ўнта сигир соғиб, сутини уйма-уй тарқатиб юардим. Нима бўпти, нариги маҳалла оборса обориби. Маҳкамидан берган бўлса, жин урмайди. Қолаверса, сен хотинчангни ёнини олишни бас қил энди...

Мен ёримга қараб: “Индаманг”, дегандек ишора қилдим. Йиглаганча кўлимдаги юкни кўтариб йўлга тушдим. Ўша куни тушдан сўнг белимда кучли оғрик пайдо бўлди. Оёқларим остидан оқаётган қонни кўриб, кўркиб кетдим. Кимга айтишни, кимни чақиришни билмай караҳт бўлиб қолдим.

— Ойи, – деганча ховлига чиқдим. Менинг ахволимни кўрган қайнонам ҳаммасини тушунди.

— Вой, шарманда, киринг уйга. Бу нима ахвол? Бироқ кўрса нима дейди? Э, лаллаймай ўл... шунчалик ҳам нозикмисизки, болани ҳам туширибсиз... – бу гапдан сўнг билдимки, вужудим остидаги полапоним ҳали қўл-оёғи шакпланишга улгурмай мени тарк этганди. Қатиқ сўраб чиқсан қўшини келинчак менинг ҳолатимни кўрди-о, дарҳол “Тез ёрдам”га кўнғироқ қиласди.

— Ўзингни аяссанг бўлмасмиди болам? – деб койиди мени кўриқдан ўтказган ёши катта гинеколог аёл. – Оғир нарса кўтарғанмидинг.. Биринчи ҳомила бўлса...

Хуллас, қайнонамнинг “шарофати” билан биринчи боламдан айрилдим. Палатада ётиб юм-юм йиғладим. “Қанийди менинг ҳам меҳрибон онам бўлганида... Бағрига босганча мени овутса эди. Қайнона барибир она бўлмас экан”... Илк марта ўқиндим. Пайхон бўлган гулдек кўнглим эзилди. “Икки кун шу ерда қоласан”, деб шифокорлар касалхонадан кеткишишмади. Мени кўргани келган эримга қарадиму:

— Мени кечиринг, болангизни асрай олмадим, – деб йиғлаб юбордим.

— Ўқ, сен мени кечир, боламизни асраша менинг кучим етмади, – деб чукур хўрснди эрим. Иккимиз ҳам бу фожеада кимни айблашни билмасдик. Асосий “айбдор” кимлигини билсақда, аммо бир-биримизга айтольмасдик. Икки кун ичиди ўзимни бироз ўнглаб олдим. Келин бўлиб тушганимдан то шу кунга қадар зўриқиб кетган руҳим касалхонада бирозгина тин олгандек бўлди.

Уйга қайтганимда, менга қошини чимириб боқаётган қайнонамни кўрдиму, худди банди этилган асир ҳолига тушдим.

— Икки кун ётмасдан тезроқ кела қолсангиз бўлмасмиди? Шунча иш менга қолиб кетди-ку, – деди дарвозадан кирмасимданоқ.

— Ойи, дўхтилар бирлас дам олсин... – Собир акамнинг гапи оғзида қолди.

— Докторлар айтаверади. Учта сигир мўралаб ётиби. Эрталаб аранг соғиб олдим. Боринг, кечкисини соғинг, – деди қайнонам шартта. – Овқатга ҳам уннанг. Бугун қайнопаларнинг келишади. Бирор тансицрок таом қилинг. Яхшиси манти қила қолинг, – деганча уйига кириб кетди.

Эрим менга, мени эса унга қарадик. Хўрсинганча яна уй юмушларига шўнғидим. Оғим олти, кўллим етти бўлди. Тўртта қайнопамга елиб-игуриб хизмат қилдим. Белим симиллаб оғриб кўйсада, парво қилмадим. Бир зум уйга кириб ўринга чўзилгим келар, аммо қайнонамнинг икки кўзи менда эди. Салгина тин олганимни кўргани ҳамоноқ нимадир иш буюарди. Ва ниҳоят тун ярмида ишларни тутатдим-у, уйимга кирдим.

Орадан олти ой ўтиб, иккинчи боламга хомиладор бўлдим. Бу гал ҳарқалай қўшниларнинг гап-сўзларидан чўчиган қайнонам оғир идишларда сут ташитмади. Қолаверса, ўзим ҳам илгаригидек жонимни жабборга бериб иш қилмасдим. Мен учун муҳими боламнинг омон қолиши эди. Шукр, вақти соатим етиб, паҳлавондек ўғил кўрдим. “Энди қайнонамнинг кўнгли илийди”, деб ўйладим. Ўқ, адашган эканман. Қайнонам мени келин эмас, хизматкор ўрнида кўрарди. Туққанимда, ҳатто туғруқонага ҳам бир коса овқат олиб бормади. Уйга қайтганимда эса бир олам ишларни тайёрлаб кўйганди. Болам йигласа “Болани менга беринг, сиз ишингизни қилинг”, дерди. Болам шўрлик ҳатто тўйиб эмолгасди ҳам. Баъзан ўйлаб қолардим: “нега бу аёл бунчалик тубан экан-а? Нима уни шунчалик шафқатсиз қилган?”. Аммо саволимга жавоб тополмасдим.

Бир-бiri билан қувалашган кўзичоқлар сингари кунларииз ҳам ўтиб бораарди. Болам тўқиз ойлик бўлиб, энди эмаклашни бошлаган пайт. Ойим: “боринг, томорқада ўт кўпайиб кетибди, тозаланг”, дегандек болани олиб, уйга кириб кетди. Орадан ярим соат ўтар-ўтмай, боламнинг чинқириғини эшитдим.

— Ҳой, Шоҳсанам бу ёқса қаранг, – деб бақирид қайнонам. Югуриб бордим. Болам иссиқ чойга куйиб қолганди.

— Нодон аёл, чойнакни ҳам шу ерга қўясизми? Ахир бола эмаклаётган бўлса, – деб ёзғира бошлади қайнонам.

Мен чойнакни ичкарига олиб кирмагандим. Болам тортиб олмасин деб, иссиқ чойни атайн ошхонада қолдирганим ёдимда... ҳовури чиқиб турган қайноқ чой ўғлимнинг баданига тўкилиб кетганди.

— Ойи, мен чойнакни олиб келмовдим-ку, – дейишишим билан қайнонам жаврай кетди:

— Нима, мени қотилга чиқармоқчимисан? Мен ўз боламни куйдираманми? Тухматчи? Қанақа аёлсан ўзи? – бир тарафда болам йиглар, иккинчи томонда эса қайнонамнинг лаби-лабига тегмасди.

Худо меҳрибон экан. Докторлар “ўртача кўйган” деб ташхис кўйишиди. Турли малҳамлар ёзиб беришиди. Боламнинг кўйган изини кўрсам хўрлигим келиб кетади. Бироқ осмон олис ер қаттиқ. Нима ҳам қилардим. Сабр қилишдан бўлак нажотим йўқ эди.

Орадан уч ўтиб, қизим Шоира дунёга келди. Ўша йили қайнимни уйлаш пайига тушиб қолган қайнонам бизга алоҳида кўчиб чиқишимиз кераклигини таъкидлади.

— Хўп, ойи, сиз тўй қилиб келинни олиб келаверинг. Икки хонани битказиб, томини ёпиб олсанам, кўчиб чиқаман, – деб жавоб қилди эрим.

Қайнимга онаси савдогар дугонасининг қизини унаштириди. Қуда бўлмиш нақ тўрт хона уйни чунонам безатди. Қайнонамнинг оғзи қулоғида эди. Ўй кўрарга кирган кўшниларнинг ёнида оғзида бол томиб, бўлажак қудани мақтарди. Гап орасида “Биринчи келиндан кўрмадим, бунисидан орзувавасни кўраман энди”, деб кўярди. Қўшнилардан бири: “Замирахон, катта келинингиз тилла. Унга зебу зийнатларнинг кераги йўқ. Қаранг, кўлингизни совуқ сувга урдирмайди-ку.. қанийди бизнинг ҳам келинлар шундай бўлса”, деди. Бу гапни эшитиб шодландим. “Биладиганлар бор экан-ку, Худойим”, дедим ичимда. Аммо қайнонам бу гапга ҳам жавоб топди: “Э, у мулоим супургига гап кўп. Ҳалиям унинг ёмонини яширадиган мендай қайнонаси борда!”.

Тўй бўлди. Янги келин келди. Аммо келинчак тўйнинг учинчи куни ҳам тонгда туриб, кўча супурай демасди. Қуни-қўшнидан уялиб, мен тонг ёришмаёқ кўчага сув сепиб, супуриб кўярдим. Қайнонамга айтишим ҳамоноқ “Ўзингиз қилиб туринг. Сепади-да шу сувини”, деди. Лол эдим. Беш йилдан бўён мени уйқудан туришимни пойлайдиган қайнонам кичик келинга бирор сўз демасди.

— Ҳилолаҳон, тонгда туриб, сув сепиб қўйсангиз бўларди. Қўшнилар гапиришяяти-я, – дедим мулойим оҳангда.

— Э, ким нима деса деявермайдими? Менга нима? – деб, энсасини қотириб овсиним. Лол бўлиб қолдим. Пешингача ухлайдиган овсиним менга ёрдамлашини хаёлига келтиримасди. Қайнонам ҳам “Овсининги ўш болалари бор, ёрдам бер”, демасди. Бешинчи куни овқат килиб туринг. Сепади-да шу сувини”, деди. Лол эдим. Беш йилдан бўён мени уйқудан туришимни пойлайдиган қайнонам кичик келинга бирор сўз демасди.

— Мен газ ёнига бормайман, – деди.

— Бўлмаса, иситиб бераман, олиб бориб ичириб кўйинг, – дедим.

— Нима, мен сизга хизматкорманими? Боринг ўзингиз қилинг. Яна нималарни хоҳлайсиз? Айтишувди-я, булар бошингга чиқиб олади, деб, – қошларини чимириб гапирид қелинчак.

— Вой, мен ёмон гапирмадим-у, – дедим ўзим хижолат бўлиб. Шу тобда болани кўтариб, қайнонам келиб қолди.

— Нима гап, нима жанжал? – сўради менга ўқрайиб.

— Манавингиз менга иш буюряпти, ойижон. Ким қайнона бу уйда: сизми ёки у? – Бу гап билан овсиним мўлжалга бехато текканди. Қайнонамнинг жазаваси кўзиди.

— Ў, етимча. Шу пайтгача индамадим. Бўлди-да энди. Ростда, Ҳилола сизга хизматкор эмас-ку..

— Вой, мен сутни... – гапим оғзимда қолди.

— Ўқол уйимдан... шунча пайтгача кетасаним десам кетмадинг. Бор кет... Ҳилола, хафа бўлман,

2023-2024 ЙИЛ КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК БОШЛАНДИ

жон қизим... – деганча овсинимни уйга етаклаб кетди қайнонам. Құлымда қизим үйгіларди. Илтилған сутни оғзига тутдым-у, құзимдаги ёшни тутиб қола олмадим. Илкмартатакдирмени шуаे лағарұпа қылғанидан пушаймон бўлдим. Нега? Нима учун? Шу пайтга қадар сочим супурғи, құлым косов бўлиб хизматини қилдим. Бирор марта қўзига тик боқмадим. Ҳеч қачон ортидан тийбат қилмадим, бирорга ёмонламадим. Ношуқрлик қилиб, нолимадим. Нега мени шу қадар хўрлайди бу аёл? Айбим нима? Онам йўқлигими? Ё овсинимга ўхшаб бой оилпанинг арзандаси бўлмаганимми? Мехнатим, ҳурматим камлик қиладими? Инсон ҳар нарсага чидаши мумкин. Аммо бирорнинг ёнида камситилишдан ёмони йўқ экан. Беш кунлик келиннинг ёнида беш йиллик келиннинг беш чақалик ҳурмати бўлмаса... Шунча қилган меҳнатларим қайнонамнинг лоқал ҳурматини қозонишинга ҳам етмадими?

Ўша куни илк марта эримга ҳасрат сандигимни очдим.

– Илтимос, ҷала бўлса ҳам ўша уйимизга кўчиб кетайлик, – дедим үйғламсираб. Собир акам рози бўлди.

– Беш йилдан бўён роса қўйналдинг. Бўлди, ҳамма нарсанинг ҳам чегараси бор. Кетамиз.

Эртаси куни тонгдаёқ уйдан чиқиб кетдик. Эрим онасининг ёнига кириб ҳайрлашибди.

– Мендан рози бўлинг, – дедим қайнонамга. У эса юзини ўғирганча ичкарига кириб кетди.

Эру хотин бир бўлиб ҳовлимизни тиклаш учун ҳаракат қилдик. Уйдаги иккита сигирни Собир акам сотиб олгани учун етаклаб келдик. Мен сутни қаймоқ қилардим, томорқага ул-бул экиб сотардим. Эрим эса ишдан бўш бўлди, дегунча устачилик қилиб иморатни тиклади. Икки йилда ҳовлимиз ҳам чиройли кўринишга эга бўлди. Уй тўйига қўшиб, ўғлимизнинг ҳам суннат тўйини ўтказмоқи бўлдик. Қайнонамни таклиф қилиш учун ўзим боришига аҳд қилдим. Икки йилдан бўён қадам босмаган ҳовлига кирдим. Кўча юзи супурилмаган, ҳовли тўзиб ётарди. Яқинда тукъан овсиним уйида шекилли, чақалоқ йигиси эштиларди.

– Ассалому алайкум, – деганча қайнонамнинг ёнига кирдим. Қайнонам алик олмади.

– Ойи, тўй қилаётгандик. Илтимос, боринг. Шавкатжонни ўзингиз катта қилгансиз, мана беш ёшдан ошди. Ўзингиз боз бўлиб туринг, – дедим.

– Мендан кечганларнинг ёнига мен ҳам бормайман, – деганча юзини ўғирди эримнинг онаси. Индамай кетишга чоғландим. Ҳовлига чиқарканман, соchlари тўзғиган овсинимга дуч келдим.

– Яхшимисиз Ҳилолаҳон? – деб сўрашиб учун кўл узатдим. Қўл учida сўрашибди у. – Тўй қилаётгандик, ўтинглар, – деганча кўчага йўналдим. Ортимдан овсинимнинг қайнонамга “Тўйи учун пул сўраб келибдими?” деган овози баралла эштилди.

Қайнонам тўйимизга келмади. Укаси, опалари келгани билан онасини куттган эрим эртаси куни онасининг ёнига бориб келди. Қайтганида маҳзун қиёфада эди.

– Шоҳсанам, ойимни кўчириб келсак нима дейсан? – деб сўради мендан. Индамадим. – Ойим анча қўйналибди. Овқатсиз қолиб кетяпти эканлар. Анави келин онасиникига кетиб қолганмиш. Укам ҳам бозоридан ортмаётган экан...

– Майли, – дедим. – Аммо онангиз келармиканлар?

Қўнглим сезанди, қайнонам келмади. Ё ғурури йўл қўймади, ё... ҳар куни ўғлимдан овқат жўннатиб турардим.

Кунлар шу зайлда ўтиб борарди... Бир куни эрим кўчадан тунд қиёфада кирди.

– Онамни касалхонага ётқизиб келдим, – дея чуқур ҳўрсанди-да, сўнг яна гапида давом этди. – Уйда қиёмат бўлганмиш. Ҳилола билан Содик ҳовлини сотиб кетамиз, дейишибди. Онам унамабди. Келин роса жанжал қолганмиш. Онам беҳуш бўлиб йиқилибди. Дўхтирларнинг айтишича бир тарафи ишламай қолибди.

Эртаси куни қайнонамни кўргани касалхонага бордим. Сўзсиз бир-биримизга тикилганча үйглардик. Шу тобда қайнонам чорасизлигидан үйглармида ёки менга қилган зуғумларини эслабми, билмасдим... Қайнонамни касалхонадан ўз үйимизга олиб келдик. Қўлнимдан келганча парвариш қилдим. Бир куни қайнонам мени имлаб чақириди-да, базур гапири:

– Шоҳсанам... мен нодон онангизни кечиринг. Сизни билмадим, дилингизни кўп ранжитдим. Мана худо менга ҳаммасини қайтарди. Қилган ҳизматларингизга рози бўлинг.

– Ойи, мен сиздан ҳеч қачон ранжимаганман. Қиз ўз онасидан хафа бўладими? – дедим кўз ёшларим юзимни ювиб.

– Қизим, мени кечиринг, – илк марта шу сўзни айтди қайнонам. Келин бўлиб келганимдан то шу кунга қадар бу аёлнииг биргина шу сўзини эштишини қанчалар истардим... ва ниҳоят...

Эртаси куни эса қайнонамнинг жони узилди.

Бугун қайнонасилинг озигина танбехига чидолмай ажрашиб кетишига шай бўлаётган келинларга ҳайрон қоламан. Агар менинг қайнонамга ўхшаган аёл билан яшашса нима қилишаркан-а, деб ўйланаман. Ҳамма нарсага вақт ва сабр лозим. Агар сабр қилсангиз кун келиб қайнона ҳам сизни бегона эмас, ўз боласиден кўрар экан. Шунинг учун турмушингиз давомида иродали ва сабрли бўлинг, дегим келади.

Саида ҚОРАБОЕВА



Жараён

2023-2024 ЙИЛ КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК БОШЛАНДИ

2022-2023 йил қиши мавсумидаги аномал совуқ ҳаво ҳарорати коммунал ҳизмат кўрсатиш, фавқулодда вазиятлари тизими ходимларини жиддий синовдан ўтказди.

Шу сабабли 2023-2024 йиллар куз-қиши мавсумига тайёргарлик тадбирлари ҳозирдан бошланди. Тошкент шаҳрининг барча туманларида тузилган штабларда сув, электр, газ таъминотига масъул ходимлар, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар, Солик, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ва бошқа давлат тузилмалари ходимлари иш олиб боришишда маҳаллама-маҳалла кезиз мавжуд муаммоларни аниқлаб, бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Хусусан, Тошкент шаҳар Яшнобод тумани Фавқулодда вазиятлар бўлими ходимлари томонидан ижтимоий обьектлари, аҳоли турар жой бинолари ва хонадонларда иситиш мавсуми табиий газдан, электр-энергиясидан тўғри фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Ушбу чора-тадбирлар режасига мувоғиқ фуқаролар билан учрашиб, электр курилмаларидан фойдаланиш қоидалари, ис газдан эҳтиёт бўлиш лозимлиги тушунтирилмоқда. Шунингдек, Яшнобод тумани ФВБ ходимлари ва тегишли идоралар ҳамкорлигига аҳоли хонадонлари, ижтимоий обеъктларда профилактика ишлари олиб борилиб, аниқланган муаммолар ўз вақтида ва сифатли бартараф этилмоқда.

Бундан кўзланган асосий мақсад куз-қиши мавсуми давомида аҳоли хонадонлари, ижтимоий соҳа обьектларни бир маромда табиий газ ва электр энергияси билан таъминлаш, фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш ва ёнғин ҳавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, аҳолини рози қилишдан иборатdir.

Ш.САДЕНОВ,

Тошкент шаҳар Яшнобод тумани Фавқулодда вазиятлар бўлими мутахассиси

СЎЗ ЗАРГАРИ 70 ЁШДА

Дунёга машҳур бўлган кўплаб санъаткорларга: “Сизнингча саҳнадаги фаолиятингизда энг муҳими нима?”, деб савол беришганда: “Сўз, сўз ва яна сўз”, деб жавоб беришганлигини кўп ерда ўқиганмиз ё эшитганимиз.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти саҳна нутқи кафедрасида кўп йиллардан бўён равон нутқи, соғ адабий тил меъёрлари, товушнинг жарангдорлиги ранг-баранлиги борасида бўлажак санъаткорларга дарс бериб келаётган устоз Хатира Жулдикораева Тоштемировна куни кечга муборак етмиш ёшни қаршилади.

Устоз қирқ беш йилга яқин саҳна нутқи кафедрасида, “Томоша” болалар театр-студиясида, Карим Зарипов номидаги Республика эстрада цирк коллежида, Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театрида ҳам фаолият юритган серқирра ижодкордир. Уларнинг ижод йўлига назар ташласак. Бўлажак актёр ва режиссрларнинг нутқини оширишда муҳим саналган “саҳна нутқи,” “нутқ техникаси”, “саҳна нутқи билимдони” ўқув дарслклари, “Саҳна нутқи” фани асосчиларидан бири профессор Лола Ағзамовна Хўжаева ҳаёти ва ижодига бағишинган монография муаллифидир. Бундан ташқари, кўп йиллик педагогик фаолияти давомида Ўзбекистон халқ артисти Муқаддас Холиқова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Абдурасул Абдуллаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Муслимбек Йўлдошев, устоз санъаткор Ҳамид Тошпўлатов, хизмат кўрсатган артистлар Лола Элтоева, Мехридин Раҳматов, Муҳаббат Қурбонова каби кўплаб шогирдлар етиширишда салмоқли хизмат қилиб, кўп йиллар институт хотин-қизлар кенгашини ҳам бошқариб келди.

Куни кечга институт ўқув театрида катта юбилей кечаси ўтказилиб, маданият вазири Озодбек Назарбеков томонидан тантана сабабчисига “Маданият ва санъат фидокори” кўкрак нишони топширилди. Институт раҳбарияти ҳам эсдалик совғалар ва пул мукофоти билан ўз хиссасини кўшиди.

Фурсатдан фойдаланиб, фидойи касб эгаси Хатира Тоштемировнага узоқ умр, ижодий баркамоллик тилаб қоламиз.

Баҳодир МАГДИЕВ

ЎЗБЕК ФИЛЬМЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Жорий йилнинг 15-20 октябрь кунлари Тоҷикистон пойтахти Душанбе шаҳрида “Тоҷиклар ривожланиш тарихи” шиори остида “Тоҷи Сомон” биринчи ҳалқаро Душанбе кинофестивали бўлиб ўтди.

Фестивалда Ўзбекистон делегацияси ҳам Кинематография агентлиги директори Фирдавс Абдуҳолиқов бошчилигида иштирок этишиди. Делегация таркибидан Ўзбекистон халқ артисти Убайдулла Омон, оператор Ҳамидулла Ҳасанов, “Тоҷикфильм” билан биргалиқда суратга олинаётган “Юлдузлар шуъласи: Жомий ва Навоий” фильмни режиссрди Дилмуруд Масаидов, продюссер Маҳмуд Эркабоев, актёрлар Улуғбек Рустамов, Илҳом Бердиев ҳамда “Ўзбек қизи” фильмни режиссрди Акбар Бектурдиев, актриса Айсанем Юсуповалар жой олишган эди.

Ушбу фестивалга Эрон, Беларуссия, Венгрия, Ўзбекистон, Покистон, Туркманистон, Қозоғистон, Россия, Арманистон, Ҳиндистон, Хитой каби турли мамлакатлардан 200 дан ортиқ фильмлар тақдим қилиниб, улардан 75 таси саралаб олинди.

Ўзбекистон кинофестивалда “Ўзбек қизи” бадиий фильмни, “Узум”, “Омонат” қисқа метражли фильмлари ҳамда танловдан ташқари Матёкуб Матчоновнинг “Яша хотин” комедияси билан иштирок этиди.

Якунда Дилшод Усмоновнинг “Узум” фильмни фестивалнинг “Энг яхши қисқа метражли фильм” номинациясига лойиқ кўрилди. Ҳакамлар ҳайъатининг маҳсус мукофоти билан “Ўзбек қизи” фильмни учун режисср Акбар Бектурдиев, “Энг яхши аёл” роли учун Айсенам Юсуповалар тақдирланишиди. Шунингдек, Ҳалқаро ҳакамлар ҳайъатидаги иштироки учун Али Ҳамроев, Матёкуб Матчонов ва Ўзбекистон ҳалқ артисти Убайдулло Омон фестиваль дипломи билан тақдирланишиди.

Эълон

1993 йил 26 февралда Чистилин Владимир Федорович номига берилган 04-01/14187 рақамли мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи давлат далолатномаси ўйқолгандиги сабабли бекор қилинади.

ШУХРАТ ДАРЁ
ДАРЁНІНГ СУВИ
ЧУЧУК БЎЛАДИ

“ДАРЁНИНГ СУВИ ЧУЧУК БЎЛАДИ”

Шуҳрат Дарё! Ҳа, ўша елкасида гитарасини кўтариб, ҳокисоргина бўлиб давраларга кириб келади ва даврани “ёндириб” юборадиган хонанда. У кўйлагандаги кўшилиб, ижро этгинг келади.

– Ярми ҳазил, ярми чин савол... Нима учун Шуҳрат Уммон ёки Шуҳрат Денгиз эмас, айнан Шуҳрат Дарё?

– Дарёнинг суви чучук бўлади (кулиб)... Яна орзуга айб йўқда, дарё каби қўшиқлар яратсан, дердим. Акам санъатни жуда қадрлар эди. Менинг санъатга бўлган мөхримга ҳам акам сабабчи бўлган. Мен истаган пластинкаларни, аудио-видео кассеталарни акам доим олиб берарди. Мусиқий дидимни шаклланишида, санъатнинг сир-асорларини ўрганишимда айнан ўша болалиқдаги, ёшлик йилларимдаги эшитган қўшиқларим сабаб бўлди.

– Санъаткор қайсиdir маънода олқишилар билан нафас олади... Машҳурлик сари интилади. Назаримда сиз ижодни сал кечроқ бошладингиз?

– Мен аспида шифокорман. Узоқ йиллар шу соҳада ишладим, маълум маънода бурчимни адо этдим. Лекин санъатга бўлган мөхр-муҳаббат барibir мени домига тортди. Икки соҳани параллел олиб бориш... бу ниҳоятда қийин. Кўнглим эркинлик, хотиржамлик истаганида гитарани олиб, юракка яқин шоирларнинг шеърларни кўйга солар эдим. 1999 йилда шоир Мухаммад Юсуфнинг “Бахтлимисан севгилим?” шеърини кўйга солиб, танловда иштирок этганман. Иккинчи ўринни олганман. Эслайман ўшанда композитор Анор Назаров: “Шуҳратжон бунинг мусиқасини ким ёзи?”, деб сўраганларида: “ўзим ҳаракат қилгандим”, деб жавоб берганман. Шунда кичкина ижодимга юксак баҳо берган ва устоз “олға” деган. У пайтларда ҳали шифокорлик билан шуғулланардим. Келажагимни тўлиқ санъат билан тасавур қиломаганман. Фурсат ўтиб “Муаллифлик қўшиқлари фестивали” бўлиб ўтди. Шунда мен босқичма-босқич иштирок этиб, Гран-при соҳиби бўлгандим. Кўпчилик энди Шуҳрат ўзини бутунлай санъатга уради, шифокорликни ташлайди, деб ўйлаган. Кейин халқаро фестивалда иштирок этдим. Лекин ўзимни ўзим хонанда сифатида тан олишим қийин бўлган. Профессионал саҳнага 1999 йилда чиқсан бўлсам, 2006 йилда англаб етдимки, мен куйлашим керак экан! Шу тариқа менинг санъатдаги хаётим бошланди.

– “Туташ тақдирлар” сериалидаги саундтрек жуда оммалашган эди. Умуман сиз ижодингиз аввалида фильмлар учун кўйлаганингиз эсимда...

– Ҳа, мен бир неча кинолойиҳаларда кўйладим. “Туташ тақдирлар”ни бир тўй хизматида кўйлаганман. Кейин ўтирган мөхмонарнинг ўзаро “худди ўзига ўхшаб айтар экан-а”, деганларини эшитдим. Аслида бу менинг ашулам! Ўшанда англадимки, сени овозинг билан бирга юзингни ҳам танишлари керак. Кейин қўшиқларни клиплар билан тақдим эта бошладик.

– “Кўйлаклари билан чўмилган қизлар”... ажойиб ижро ва ўзига хос клип кўпчиликка манзур бўлганди...

– Ҳа, лекин кўпгина танқидлар ҳам бўлган! Яна менинг фақат хос давраларда янграган қўшиқларим бор. Уни кўпчилик билмайди, клиплар суратга олинмаган. Эркин Воҳидовнинг “Япон нега юз йил яшайди?” деган шеърини қўшиқ қилгандим. Шеър жуда яхши эди. Аммо бундан анча йиллар аввал катта давлат тадбиридан мени олиб ташлашган. “Нима учун?” деб сўрасам “Япон” деган қўшиғингиз учун”, деган жавобни олгандим. Мана шундай саводсиз танқидлар одамни чарчатади. Лекин ўринли эътиrozлар икки томон учун ҳам фойдалари бўлади. Яна биласизми, ижодкор қалбидан кечгандарини ижро этиши шарт.

– Ўзингиз танқидий фикрларингизни баён этиб турасизми?

– Агар мен қаердадир танқидий фикр билдирган бўлсам, фақат битта масалага қаратилган бўлади. Бу – плагиат! Мен ижодда хилма-хилликни ёқтираман, лекин плагиатни ҳеч қачон кўллаб-куватламайман!

– Плагиатдан қочиш, ижодда хилма-хилликка эришиш еттига нота билан осон эмас дейдиганларга нима дейсиз?

– Бу илм! Етти нота ўзини транспозициялари бор! Етти товушнинг ҳар бирини бимол ва дийзларини ҳисобласак, яна уларни уча кўпайтиринг. Яна оқтавалар бор... Бор-йўғи етти нотаку, деб қараш хато! Яна айтаман бу илм, изланиш, ўрганиш керак. Илмсизлик – таназзулга етаклайди.

– Бугун гитара билан кўйладиган кўпайди... Бу жараёнга сизнинг муносабатингиз қандай?

– Бу ҳам жараён, талаб. Мен ҳар бир жараёнда классика тарафдориман. Тоза овоз, тоза ижро мен учун муҳим. Аммо бугун хаста овозлар, гитарани уриб чалишпар урфга кирди. Ҳақиқий мухлис асл ижрони тогиб олади. Бу жараён таққослаш имконини ҳам беради. Умуман ҳар бир вазият вақт билан курашади. Синовдан ўтгани қолади!

– Шуҳрат Дарёдан гитарасини олиб қўйишса...

– Менда имкониятлар бор. Гитарани олиб қўйсангиз рубоб билан айтаман. Агар рубобни ҳам кўп қўришса аккардион чалиб айтаман. Аккардионни ҳам олиб қўйсангиз (кулиб) шиқилдоқ борку, ўшани чалиб айтаман!